

холилиқ – реал системаларнинг яшаш шарти. Ўзбек детектив романлари тилини ўрганиш орқали ўзбек тилида гендер фарқланишлар, аёл ва эркекларнинг нутқининг гендер ўзига хосликларини аниқлашга эришиш мумкин. Бу ёзувчининг асардан кўзлаган маъно-моҳияти ўқувчи онг остида реал воқеланишни таъминлаши баробарида тил хусусиятлари орқали асарда тасвирга олинган давр ёки жамиятнинг ижтимоий ҳолати ҳақида хабардор бўлишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахманова О.С., Магидова И.Н. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания, 1978. – № 3. – С. 43-48.
2. Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. – 318 с. / psymania.info www.psychologos.ru
3. Земская Е.А., Китайгородская М.А., Розанова Н.Н. Особенности мужской и женской речи. www.owl.ru
4. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием // Гендер: язык, культура, коммуникация. – Москва, 2002.
5. Кирилина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования // Отечественные записки. Журнал для медленного чтения. – Москва: Высшая школа экономики, 2012. – С.52.
6. Коаст, Дж. Женщины, мужчины и язык / Дж. Коаст // Гендер и язык. – Москва, 2003. – С 78-112
7. Лакофф Р. Язык и место женщины // Введение в гендерные исследования. Ч. II: Хрестоматия. – Харьков: ХЦГИ, 2001.
8. Малик, Тоҳир. Шайтанат. Роман. 1-қисм. Mario Puzo. The Godfather, p. 396.
9. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986.
10. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 174 б.
11. Trena T. Anastasia, 2008. Analysis of metaphors used in women college president's inaugural addresses at coed institutions.

12. Martynyuk, A.P. (2004). Construction of gender in the English discourse. Kharkiv: 2004.- Konstanta Pub
13. R. Lakoff, Language and Woman's Place (New York, Harper, 1975)
14. Halliday M.A. System and function in language. – London: Oxford Univ. Press, 1976. – P.14.
15. Sinclair D., Coulthard M. Towards an Analysis of Discourse: The English Used by Teachers and Pupils. – London: Oxford Univ. Press, 1975. – P.183.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАТИЖАЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

*Нозлия Нормуродова,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети халқаро ҳамкорлик масалари бўйича проректори, филология фанлар доктори*

Иқтисодиёти тараққий этган, фаровон турмуш даражасига эришган давлатларнинг бундай ютуқлари замирида илм-фан, таълим соҳаси ривожига қаратилган эътибор ётади. Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқиши ҳам айнан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, олий таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини кўпайтириш, профиль ихтисослашув соҳаларини кенгайтириш, ёшларнинг олий таълим билан қамровини ошириш, шунингдек, хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар айни шу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим одим саналади. Бу йўналишда қабул қилинаётган қарор ва фармонлар хотин-қизларнинг олий таълим муассасаларида билим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, гендер тенглик тамойиллари устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда давлат раҳбарининг бевоқиф ташаббуси ва жиддий эътибори туфайли олий таълим соҳасида катор ислохотлар ўтказилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, мамлакатимизнинг камида 10 та университети 2030 йилга қадар халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингига олий ўқув

юртлари рўйхатининг дастлабки 1000 позициясига кириши кўзда тутилган. Бунинг учун, албатта, олий ўқув юртларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш, ўқув жараёнига замонавий кредитмодул тизимини жорий қилиш талаб этилган. Ушбу ташаббуслар самараси ўлароқ ўтган йилларда миллий ОТМларимиз бирин-кетин халқаро нуфузли рейтингларга киритилди, йилдан йилда натижалар яхшиланиб бормоқда.

Замонавий шароитларда барча соҳалар каби олий таълим хизматлари бозоридаги глобаллашув жараёнлари кузатилаётган бўлиб, миллий олий таълим муассасаларининг байналминаллашуви жараёни улар рақобатбардошлигини оширишдаги бош тенденциялардан бирига айланиб бормоқда. Кейинги 5 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари халқаро таълим хизматлари бозорида ўзларининг рақобат мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Хорижий талабалар сонининг ортиши, аввалло, таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб ўтиш билан боғлиқ ислохотлар пировард натижасидир. Бунда замонавий маконда глобал таълим хизматлари бозоридаги инфратузилманинг ривожланиши, THE, QS, ARWU, Webometrics каби глобал рақобатбардошликнинг тизимли институтлари фаолиятини ривожланиши абитуриентлар томонидан олий таълим муассасалари тўғрисида теран маълумотлар олиш ва танлаш имкониятларини яратмоқда. Бундай

рақобатнинг ривожланиши таълим муассасаларидаги сифатнинг ошишини таъминлайди ва бундан табиийки, давлат ва жамият манфаатдор бўлади. Ўзбекистон президентининг «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган ёки уларда илмий даража олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига қўшимча устамалар тўлаб бориш тартиби жорий этилган. Бу абитуриентлар учун катта мотивация, ОТМлар учун эса иқтидорли ёшларни кўпроқ жалб этиш учун муҳим индикатор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Халқаро рейтинг агентликлари томонидан шакллантириладиган етакчи университетлар рўхати ҳар бир рейтинг агентлигининг услубиёти асосида университетларнинг академик, илмий, моддий техник ва молиявий салоҳиятининг айрим жиҳатларини ёритиб беради. Уларнинг энг хусусиятли жиҳатларидан бири юқорида тилга олинган салоҳият элементларини умумий рейтинг кўрсаткичларидаги вазнининг ҳар хил эканлигидадир. Қолаверса, аксарият рейтинг агентликлари дунё университетлари рейтинг кўрсаткичи бўйича етакчи университетларнинг чекланган сонини эълон қилади.

Мазкур ижобий ўзгаришлар, бир томондан, олий таълимда кадрларни тайёрлашни сифат жиҳатдан юксалишини таъминласа, иккинчи томондан, соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, олий таълим муассасаларининг халқаро миқёсда ўз нуфузини оширишга хоҳиш-истаги ва режали чораларини реал воқеликка айлантирмоқда.

Халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities), Webometrics ranking of World Universities рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўхатига кириш масаласига жиддий ёндашиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2022 йилда «UI GreenMetric» рейтингда университетимиз дунёнинг кучли 500+ ОТМлари қаторидан ўрин олди. Times Higher Education (THE) Халқаро рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган жаҳоннинг нуфузли университетлари (THE Impact Rankings 2022) рейтингда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети топ 1001+ университетлар рўхатига киритилди, умидли таълим муассаси сифатида янги турдаги мақомга (reporter*) эга бўлди. *Reporter мақоми рейтингга кириш учун фаол ишлари билан Times Higher Education рейтинг агент-

лигини эътирофига сазовор бўлган олий ўқув юртларига берилади. Мазкур рўйхатдаги олий таълим муассасалари дунёнинг нуфузли олийгоҳлари сафига кириш учун номзод сифатида тан олиниб, мазкур йўналишда Times Higher Education уларга яқиндан ёрдам беришга тайёр эканлигини англатади.

Times Higher Education халқаро рейтинг агентлиги 2004 йилдан бошлаб дунё университетлари рейтинг билан шуғулланиб келади. Унинг бу борадаги асосий ҳамкорлари Thomson Reuters – етакчи халқаро ахборот агентлиги ҳамда Elsevier – йирик илмий нашриёт компанияси ҳисобланади. THE агентлиги асосан Thomson Reuters маълумотларига таянган ҳолда 400 та энг илғор дунё университетларининг рейтингини тузади ва ҳар йили сентябрь – октябрь ойларида рейтингни янгилан туради. THE методологиясининг ўзига хослиги шундаки, танланган индикаторлар текшириш учун жуда қулай ва осон бўлиб, мавҳум ҳолатлар учрамайди. THE методологияси бўйича куйидаги 13 та индикатордан фойдаланилади. Бунда хорижий талабалар улуши – 2,5%; хорижий профессор-ўқитувчилар улуши – 2,5%; Web of Science базасида хорижлик ҳаммуаллифлар билан чиқарилган мақолалар – 2,5%; илмий тадқиқотлар савияси бўйича ўтказиладиган сўров натижаси – 18%; илмий фаолиятдан олинган даромад – 6%; битта профессор-ўқитувчига Web of Science базасида тўғри келадиган мақолалар сони – 6%; иқтисодиётнинг реал секторидан олинган даромадлар – 2,5%; таълим сифати бўйича ўтказиладиган сўров натижаси – 15%; профессор-ўқитувчилар ва талабалар нисбати – 4,5%; илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражаси йўқ ўқитувчиларга нисбати – 2,25%; ҳисоб йилида илмий даража олганлар сони – 6%; йил якунида университетнинг жами даромадлари – 2,25 фоизни ташкил қилган тақдирда олий таълим муассасаси дунё рейтингига кириш ҳақида ўйлаши мумкин.

Ушбу ташкилотлар рейтингларида юқори ўринга эга бўлиш учун дунё университетлари ўртасида соғлом рақобат мавжуд. Чунки дунё

ёшлари айнан халқаро жамоатчиликда ижобий имиджга эга муассасада таълим олишни истайдилар. Бундай университетларга талабнинг ошиши уларнинг молиявий барқарор ривожланишига замин яратади. Ушбу нуфузли агентликлар рейтингда биринчи мингталикка кирган ОТМларнинг дипломлари бутун дунёда тан олинади.

2023 йилда Times Higher Education (THE) Халқаро рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган жаҳоннинг нуфузли университетлари (THE Impact Rankings 2023) рейтингда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети топ 600+ университетлар рўхатига киритилди. Иккинчи йилдаги иштирокнинг ўзидаёқ қарийб 400 ўринга юқорилаш мисли кўрилмаган ижобий натижадир. Айниқса, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар таълимига қаратилаётган эътибор (SDG5) бўйича дунёнинг топ 20 та университети қаторидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ҳам ўрин эгаллагани мисли кўрилмаган натижадир.

Ушбу рейтингдан урин эгаллаш йўлида ТошДўТАУ 17 йўналишдаги Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDGs) орасидан бештасида иштирок этди. Университетимиз Сифатли таълим таъминлаш (SDG4) бўйича сараланган 1500 дан зиёд дунё университетлари орасидан фахрли 200+ натижани қайд этди, қашшоқликка барҳам беришга кўмаклашиш (SDG1) бўйича ҳам 200+, тинчлик ва адолатли таълимни кафолатлаш (SDG16) кўрсаткичида ҳам 200+, муваффақиятли ҳамкорлик бўйича (SDG17) 800+ натижани қайд этди. Бу энг аввало университетда таълим ва тарбия жараёнининг тўғри йўлга қўйилгани, жамоанинг тизимли ва самарали фаолияти натижасидир.

Гендер нотенглигига барҳам бериш ва хотин-қизлар таълими қўллаб-қувватлаш йўлида университетнинг ўз тизимли дастури мавжуд. Аввало, ТошДўТАУда анъанавий равишда халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокида Очиқ мулоқотлар (Public Talks)



World University Rankings 2023

ўтказиб келинади. Бу суҳбатларда талабаларга Барқарор ривожланиш мақсадларининг турли йўналишлари бўйича маълумот берилади, халқаро тажрибалар ўрганилади, ёшларнинг муносабатлари таҳлил қилиб борилади. Талаба-ёшлар жамиятдаги кичик муммоларнинг илдизларини топишга, уларни бартараф этиш учун нималар қилиш лозимлигига доир шахсий позицияларини шакллантириб борадилар. Бундан ташқари университет талабаларининг катта қисмини қизлар ташкил этгани боис уларни жамиятдаги айрим носоғлом стереотиплардан ҳимоялашга оид маслаҳатлар бериб борилади, яъни ҳеч ким ва ҳеч нарса аёлларнинг таълим олишлари учун тўсиқ бўла олмаслигини, билим олиш миллат келажиги учун зарурлигини тушунтираемиз. Университетда фарзандли, оилали талаба қизлар учун қатор шароитлар яратилган. Жумладан, она ва бола хонаси, қизлар учун касбий тўғараклар, гўзаллик салони, спорт-соғломлаштириш комплекси ва ҳоказо. Мақсадимиз ёш қизларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга, илм йўлида оғишмай олға босишларига кўмаклашишдан иборат. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ бугун талаба қизларимиз орасида халқаро ва республика танловлари ғолиблари, стипендиатлар, юксак илм соҳиблари сони ортиб бормоқда.

Аммо эришилган бу ютуқлару қўлга киритилган натижалар бугун бизни тўлиқ қониқтира оладими? Албатта йўқ. Маълумки, инсон табиати, унинг руҳияти доимо ўзгаришга, такомиллашувга мойил. Ақлли инсон ҳеч қачон ўзининг бугунги ҳолатидан қониқмаслиги керак. Шу маънода Ўзбекистон тарихида биринчи марта кучли 600 таликка киришимиз етарли эмас, чунки университетнинг салоҳияти, таълим сифати янада яхши кўрсаткичларга эришиш учун ҳам етади. Йилдан йилга халқаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб борапти, хорижлик талабалар оқими ошапти, илмий салоҳиятимиз янада яхшиланиб борапти.

Бир сўз билан айтганда, тамаддуний ҳодисалар ҳар қандай халқнинг илм-маърифат тизгинини маҳкам тутиб, аниқ мақсадоар

сари яқдил одимлашидан бошланади. Қачонки миллат тарихий тараққиёти давомида илм-фанни, инсоний қадриятларни ривожлантириш йўлидан изчил борса, Ренессанс ҳодисаси юз беради. Янги Ўзбекистон эса айнан ана шу йўлдан бормоқда. Қадриятлар тикланипти, илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Ўйлаймизки, мазкур ишларнинг рўёби мамлакатимизда илм-фаннинг тараққий этишига, таълим тизимини замон талабларига мослаштирилишда янги босқич бўлади.

Манбаа: file:///C:/Users/admin/Downloads/https_yuz.uz_file_newspaper_178e754a4861b91b1c9d4faec12fe902.pdf

ОҚИЛА АЁЛЛАР ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

*Гулноза Жўраева
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Хотин-қизлар кенгаши раиси,
филология фанлари доктори*

Айни вақтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган улкан имконият ва шароитлар туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Қайд этиш лозимки, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кенг қамровли бўлиб, улар хотин-қизларни таълим олиши, иш ва уй-жой билан таъминланиши, уларга тенг меҳнат шароитлари яратилиши бир сўз билан айтганда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни

